# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 17 (9.667) 2002 йил 8 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **КЕЧА** Тошкент шаҳрида Япония ҳукумати ёрдами билан таъмирланган 191-ўрта мактабнинг расмий очилиш маросими бўлди.

• **ТОШКЕНТДА** Халқ таълими вазирлиги ҳамда таълим бўйича Британия кенгаши мутахассислари иштирокида ташкил этган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ янги ўқув дастурлари яратиш ва уларни амалда тадбиқ этиш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди.

• **БУГУН** «Ўзкўргазмасавдо» марказида «Умид юлдузлари» болалар қўшиқлари иккинчи фестивали бўлиб ўтади.

• **КЕЧА** Миробод туманидаги 110-мактабда «Миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда ўқитувчининг маҳорати» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.

• **БЕКТЕМИР** туманидаги 288-мактабда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Маҳаллада — соғлом муҳит, мактабда — соғлом авлод» деган мавзуда тадбир бўлиб ўтди.

• **ЭРТАГА** Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида ёш истеъдодларнинг концерти ўтказилади.

• **ЭРТАГА** Чилонзор тумани ҳокимлигида ўтказиладиган тадбир миллий истиқлол ғоясига бағишланади.

• **ПОЙТАХТДАГИ** Олимпия шон-шуҳрати музейида Ўзбекистон теннис федерациясининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда теннисимизнинг ўтган ҳисобот давридаги ютуқлари ҳақида ва эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз борди.

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 561 ЙИЛЛИГИГА**

## Улуғ шоирга буюк эҳтиром

**Шу кунларда юртимиз яна бир шукуҳли байрам кайфиятида. Гап шундаки, ҳар йили февраль ойида халқимиз улуғ шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд кунини зўр шодиёналик билан байрам қилади. Яхши анъанага кўра, ана шу ойда Навоийхонлик кунларини ўтказиш давом этади...**



Ҳа, халқимиз ўзининг улуғ фарзанди Алишер Навоийнинг муборак номини асрлар оша қалб гавҳари янглиғ асраб-авайлаб келмоқда. Буни шу кунларда пойтахтимизнинг турли гўшаларида Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган бири-биридан ранг-баранг тадбирлар, адабий кечалардан ҳам яққол кўриш мумкин. Пойтахт туманларининг ҳокимликларида қутлуғ кун муносабати билан тадбирлар ўтказилмоқда. Шаҳар маданият муассасалари кутубхоналарида Алишер Навоийнинг 561 йиллигига бағишланган шеърият кечалари бўлиб ўтмоқда. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ҳамда бошқа турдаги ўқув муассасаларида Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус дарслар, адабий кечалар ва Навоийхонлик тадбирлари ўтказилмоқда.

**ЭРТАГА** улуғ шоир ва мутафаккир туғилган кунда Ўзбекистон Миллий боғи ва Шоирлар хиёбонида тантанали маросимлар ўтказиш белгиланган.

Давлат, жамоат ва маданият арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокидаги ушбу маросимларда эл севган шоир ва ёзувчилар, олимлар, лицей ўқувчилари Алишер Навоий бобомизнинг ўлмас ижоди ҳақида, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ўзларининг дил сўзларини изҳор этадилар, Алишер Навоийга бағишланган шеърларини ўқиб берадилар.

**(Ўз мухбиримиз)**


• **Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг 561 йиллигига бағишланган махсус саҳифани газетанинг иккинчи бетида ўқийсиз.**


**ТРАНСПОРТ**

## Янги трамвай-троллейбус комбинати

**Пойтахтимиз Тошкентда аҳолига хизмат кўрсатишда электр транспорти воситалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли Тошкент шаҳар йўловчи ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмаси ана шу тармоқни янада ривожлантириш тадбирларини кўрмоқда.**

Бу йил бунёд этиладиган трамвай-троллейбус саройи қурилиши ҳам жадаллик билан олиб борилади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарори билан ишга тушадиган бу комбинат электр транспорти воситаларидан бир нечтасига эга бўлади.

Бир вақтлар фаолияти тугатилган биринчи трамвай саройи жойлашган ҳудудда ҳамда унинг негизида тикланадиган янги комбинат энг замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланади. Шунингдек, қурилиш янги мукаммал лойиҳа бўйича олиб борилади.

Комбинат учун 650 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Шуниси аҳамиятлики, корхона янги русумли трамвай вагонлари ва троллейбусларга ҳам эга бўлади.

**Акбар АЛИЕВ**

**ТАНЛОВЛАР**

## *Санъатга ошно ёш қалблар*

**Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Тўхтамурод Умаров номли 99-ўрта мактабда анъанавий «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Ушбу кўрик-танлов уч босқичдан иборат бўлиб, январь ойида I босқичи якунланди. Унда мактабнинг бошланғич ва юқори синфлардаги ёш истеъдодлари қатнашдилар.

Совриндор бўлган ўқувчилар II босқичга йўлланма олдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

***ҚИШКИ ОЛИМПИАДА — 2002***

## Солт-Лейк-Ситида Ўзбекистон байроғи

**БУГУН**

***Америка Қўшма Штатларининг Солт-Лейк-Сити шаҳрида XIX олимпиада ўйинларининг машъаласи ёқилиб қишки спорт турлари бўйича янги асрдаги илк энг йирик мусобақалар бошланди.***

Ушбу олимпиадада 70 га яқин мамлакатларнинг саралаш турнирларидан ўтган энг кучли спортчилари тоғ-чанғи спорти, чанғида югуриш, трамплиндан сакраш, шимолий иккикураш, фристайл, сноуборд, конькида югуриш, фигурали учиш, биатлон, бобслей, скелетон, чана спорти, хоккей, кэрлинг каби асосий спорт турлари таркибига кирувчи 79 та спорт тури бўйича ғалаба учун кураш олиб боришади.

Қувонарли томони шундаки, энг юқори даражадаги мазкур спорт мусобақаларида юртимиз спортчилари ҳам иштирок этишади. Яъни саралаш турнирлари, жаҳон кубоги этапларидан муваффақиятли ўтган якка тартибдаги фигурали учиш устамиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 1999 йилги қишки Осиё ўйинларининг ғолиби, ўша йили Гран При нуфузли мусобақаларида зафар қучган, ўтган йили тўрт қитъа чемпионатининг чемпиони бўлган Татьяна Малинина, эркаклар ўртасида якка тартибда фигурали учиш дастурида қатнашувчи, халқаро тоифадаги спорт устаси, 1999 йилги қишки Осиё ўйинларининг кумуш совриндори Роман Скорняков, жуфтликлар ўртасида фигурали учиш бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари, 1999 йилги қишки Осиё ўйинларининг бронза нишонлари соҳиблари, Загребдаги халқаро мусобақаларда тўртинчи ўринни эгаллаган Евгений Свиридов ва Наталья Пономарева, шунингдек, тоғ чанғиси бўйича 2000 йили Туркияда ўтказилган халқаро мусобақанинг ғолиби ва совриндори Комил Ўринбоев ва ушбу мусобақаларнинг ғолиби Элмира Ўринбоевалар узоқ Солт-Лейк-Ситида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, деярли беш ой давомида тўрт нафар фигурали учиш усталаримиз Вашингтон ва Нью-Йоркдаги муз саройларида пухта тайёргарлик кўришгани, демакки Америка иқлимига яхшилаб мослашишгани, тоғ чанғичиларимизга ҳам Чимёнда тайёргарлик учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, олимпиячиларимиздан юқори натижаларга эришишларини умид қилсак бўлади. Қишки олимпиадада зафар ёр бўлсин, мустақил Ўзбекистон спортчилари!

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартириш масалалари юзасидан 2002 йил 27 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси А. Аҳадовнинг ахбороти тингланди. Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

• Давлат солиқ қўмитаси ва Бош прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш департаментининг республика иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлаш, солиқ интизомини мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

• Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси АҚШ Халқаро ривожланиш агентлигининг (ЮСАИД) «Глобал» лойиҳаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг «Ҳамкор» тармоғи, Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази билан ҳамкорликда «Хайрия тўғрисидаги қонунлар — нодавлат нотижорат ташкилотлари барқарор ривожланиши асоси» мавзуида семинар ташкил этди.

• Қашқадарё вилоятининг Касби тумани ҳудудида жойлашган Қатағон қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган янги врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

• «Қўқоннон» масъулияти чекланган жамиятида печенье тайёрлайдиган янги цех ишга туширилди. Италиядан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида бир кеча-кундузда 8 тонна янги маҳсулот тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

• Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларининг экспертлар гуруҳи Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили юз берган қурғоқчилик муаммолари билан атрофлича танишдилар.

### Жаҳонда

• **Бугун** Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзайнинг Покистонга икки кунлик ташрифи бошланади. Ташриф чоғида у мамлакат Президенти Парвез Мушарраф билан музокаралар олиб боради.

• Афғонистон ҳукумати томонидан «Толибон» ҳаракатига мансуб бўлиши гумон қилинаётган 21 киши асирга олинган.

• Марказий разведка бошқармасига қарашли самолёт орқали берилган ракета зарбаси оқибатида «Ал-Қоида» раҳнамоларидан бири ҳалок бўлган. Бу ҳақда Америка раҳбарияти вакили хабар берди.

• **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Москвага келган Испания тахтининг вориси шаҳзода Фелипени қабул қилди. Шаҳзоданинг Москвага қилган ташрифи Испания ва Россия ўртасидаги дипломатик муносабатларни янада чуқурлаштириш учун ҳаракат, деб ҳисобланяпти.

• Македония ҳукумати НАТО тинчликпарвар контингентетининг Болқондаги миссиясини яна уч ойга узайтиришни сўраш ҳақида қарор қабул қилди.

• Гаага халқаро трибунали Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевичга нисбатан қўзғатилган суд жараёни 12 февраль куни бошланишини маълум қилди.

• Женевада АҚШ ва Россия ҳукумат делегацияларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ироққа инсонпарварлик ёрдами сифатида нефтга айирбошланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг турини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинди.

• Буюк Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро келаси ҳафтада Исроил Бош вазири Ариэль Шарон ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиш учун Яқин Шарққа келишни режалаштирмоқда.

• АҚШ Президенти Жорж Буш Фаластин раҳбари Ёсир Арофатни террорчиларга қарши курашни янада кучайтиришга даъват этди.

• Хитой ҳукумати ўз авиайўлларини террорчилар хуружидан ҳимоя қилиш мақсадида махсус полиция бўлинмаси ташкил қилишни режалаштирмоқда. Бўлинмага 2000 нафар полициячи жалб этилади.

• Иркутск шаҳри марказида жойлашган Куйбишев номли завод маданият уйида ёнғин содир бўлди. Уни 12 соатдан сўнг ўчиришга муваффақ бўлишди.

• Жанубий Африка Республикасида поездлар тўқнашиб кетди. Шунинг оқибатида 20 киши ҳалок бўлди, 117 киши тан жароҳати олди.

• Индонезия пойтахти Жакартадан 800 километр шарқда — Бондовозо ва Ситубондо ҳудудларида юз берган тошқин натижасида 30 киши қурбон бўлди. Бу ерда қутқарув ишлари давом этмоқда.



Алишер НАВОИЙ

# ҒАЗАЛЛАР

**Кўргали ҳуснунгни зори мубтало бўлдум санго,**
**Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санго.**

**Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,**
**Ваҳки,кун-кундин батарроқ мубтало бўлдим санго.**

**Мен қачон дедим: «Вафо қилғил, манга», зулм айладинг,**
**Сен қачон дединг: «Фидо бўлғил манго», бўлдум санго.**

**Қай пари пайкарға дерсен телба бўлдунг бу сифат,**
**Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.**

**Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим овора бўл,**
**Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.**

**Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,**
**Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.**

**Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,**
**То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.**

* * *

**Онча даврон бирла кўрдум аҳл даврондин жафо,**
**Ким кўзумга тўтиёдек бўлди жонондин жафо.**

**Бу жафо дафъин не янглиғ айлагайменким, етар**
**Айласам кимдин жафо манъин тамаъ, ондин жафо.**

**Минг жафо ҳар лаҳза кўрсам бир тараф, ул бир тараф,**
**Ким етар жонон учун жонимға ҳижрондин жафо.**

**Сайддекким чаркада юзланса, ҳар ён келгай-ўқ,**
**Аҳли даврондин келур кўнглумга ҳар ёндин жафо.**

**Гар кўнгул ул зулфдин кўрса жафо, ваҳ, не ажаб,**
**Чун кўрар ушбу сияҳ рўзи паришондин жафо.**

**Англа жоноким, жафо, қилмоққа топкунг йўқ киши,**
**Мен жафокашга нединким ўтти имкондин жафо.**

**Кечалар ул ой жафосидинки афғон тортарам,**
**Ул худ ортуқроқ чекар ҳар тун бу афғондин жафо.**

**Не мусулмонлиғ бўлур ушбуки, даврон бошима,**
**Еткурар ҳар дам яна бир номусулмондин жафо.**

**Эй Навоий, борғали жонон сари жоним етар,**
**Жонға жонондин жафо, мен хастага жондин жафо.**

* * *

**Сени кўргач дер эдим, бир меҳрибоним бор эмиш,**
**Оллоҳ-оллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиш.**

**Оразинг моҳияту оғзинг сўзин шарҳ айларам,**
**Ваҳ, не табъи поку зеҳни хурдадоним бор эмиш.**

**Чок қил кўксумни, эй бадмеҳр, токим билгасен,**
**Тиғи ҳажрингдин не навъ озурда жоним бор эмиш.**

**Не ҳаёт эрди ўлар ҳолимдаким кўргач мени,**
**Ноз ила деди: ҳануз ул нотавоним бор эмиш.**

**Жавҳари ишқин олурға халқ махфий накдидек,**
**Жон ичинда бир неча доғи ниҳоним бор эмиш.**

**Юз ғамим бор эрди муғ кўйига киргач бўлди дафъ,**
**Ваҳки, мен ғофил ажаб дорул-амоним бор эмиш.**

**Дерки ёлқибмен Навоий унидин, ваҳ, яхшидур,**
**Ким тирикликдин нишондек бир фиғоним бор эмиш.**

# БОҚИЙ ҲАҚИҚАТЛАР БАЙРОҚДОРИ

Алишер Навоий мумтоз адабиётимизнинг марказий ва бош сиймосидир. Навоий шеърияти туркий адабиётнинг энг баланд, энг нурли чўққисини ташкил этади. Чунки Ҳазрат Навоий қадимдан бошлаб ўзи яшаётган давргача бўлган туркий адабиётнинг барча ғоявий-бадиий ютуқларини безавол ижодиётида мужассамлаштира олганди. Шунинг учун Навоийнинг сўз, фикр ва туйғу тасвирлари ўқувчи қалбига бошқача таъсир ўтказади. Навоий асарларини ўқиган одам, ўзи истасин, истамасин, ҳақиқат мушоҳадасига эҳтиёж сеза бошлайди ва олам ҳодисотларини ҳам зоҳиран, ҳам ботинан чуқур билишга интилади. Ва табиий равишда комиллик сирларини кашф айлашга ҳаракат қилади. Шунда унинг кўз ўнгида икки муаззам йўл очилади. Булардан бири — Ҳақ йўли, иккинчиси — Халқ йўли. Навоий бу йўлларнинг бир- биридан ажралмаслиги ва ажратиб бўлмаслиги, Ҳақ ишқи, Халқ ишқини доимо қувватлантиражагини беҳато кўрсатиб берганлиги билан ҳам буюкдир. Шу боис Навоий сабоқларини англаган ва уларга амал қила олган кишининг қалби ишқ нури, маърифат зиёси билан равшанлик топади, у тарихий бир туйғу ила инсонлик ва инсонийлик шарафини белгилайдиган асосий тушунчалар ҳақида мустақил фикр юритади. «Фавойид ул-кибар»даги мана бу байтларга диққат қилинг:

**Гар одам малак ўлсаким,**
**қилмасин таъриф,**
**Агар киши десаким,**
**етмагай хижолат анга,**
**Ёмонни демаки, излол этар экан**
**шайтон,**
**Дегил: фасодда мундин етар**
**залолат анга.**
**Билурки, рўзи анга Хақ берур,**
**ўзидекнинг**
**Бўлур чу бандаси, боис эрур**
**разолат анга.**
**Демаки, илмда келмиш малакдин**
**ул афзун,**
**Ки, девдин дағи афзун эрур**
**жаҳолат анга.**

Ушбу байтлардаги мухтасар маъно бундай: Агар одамни малак ўрнида кўрсанг ҳам уни ортиқча мақтама. Чунки бу таъриф сени хижолатга дучор этиши мумкин. Ёмонни шайтон йўлдан оздирган деб ўйлама. Аксинча: ёмон кимсанинг фисқу фасоди шайтонга залолат етказади. Кимда ким Ҳақ иноятини унутиб, ризқ-рўзи учун ўзидек бир кимсанинг қулига айланса, билгилки ўша кимса разилдир. Илм — маърифат соҳиблари малакдан ҳам юксалишига ишонгил. Аммо айни шу инсон фарзанди жаҳолат ва ёвузликда девнида йўлда қолдиришини эсдан чиқарма.

Ҳеч шубҳасизки, бу ҳикматли фикрлар шеърхонни инсон ҳақида саёз ўйлаш, инсон табобатига юзаки назар ташлашдан муҳофаза этади. Агар инсон — инсонни билишда, инсонга баҳо беришда адашмаса, дунёни англашда, бу бераҳм дунё мушкилотларини бартараф қилишда унчалик адашмайди. Навоийнинг қатор шеърлари ўқувчини мана шу шафқатсиз ҳақиқатга ишонтиради.

У ёки бу халқнинг диний, фалсафий, маъруфий ва аҳлоқий қарашларида фарқ ва тафовутлар бўлганидек, комиллик тушунчаларида ҳам фарқланишлар кўзга ташланиб туради. Жуда олис ўтмишда, яъни 716 йилда тахтга чиқиб буюк ва қудратли бир туркий давлатни барпо этган Элтариш ўғли Билга Ҳақон кўп ўтмай ҳокимият марказида муҳташам Будда ибодатхонасини қуришни режалаштирди. Унинг қайин отаси ва донишманд вазири Тупюқуқ бунга қарши чиқиб, «Агар Буддага маъбуд қурдирсанг халқимизни итоатгўйлик, мутелик ва мискинликка чорлашга бош бўлурсен. Бу эса жасур ва курашчи эл руҳига мувофиқ келмайдиган ишдир», — дейди. Шундан сўнг Билга Ҳақон ўз ниятидан воз кечади. Қадимги туркий халқлар тарихнинг турли даврларида монелик, будпарастлик, христианлик, яҳудийлик каби динларнинг таъсирига берилиб, ҳатто оммавий равишда бу динлардан баъзиларини қабул қилган бўлсалар-да, тўғрилик, ватансеварлик ва ҳурликка ташналик туйғуларини улар ҳеч қачон бой бермаганлар. Аксинча, шу фазилатлари билан бошқа элат ва миллатларга ибрат кўрсатиб келганлар. Демоқчимизки, Навоий мард ва жасур боболаримизга хос миллий хусусият ва фазилатларни асарларида фавқулодда жозибали оҳангларда ифодалаб берган. Унга алоҳида диққат лозимдир. Олимларнинг эътирофлари бўйича ҳинд, юнон, чин тушунча тизимидан фарқли ўлароқ, туркий халқлар фикр ва тушунча системасида миллат севгиси Оллоҳ қўрқуви ва тўғрилик доимий равишда устуворлик қилиб келган. Зеро, Навоий нуқтаи назарида ҳам юрт ва миллат севгиси, Оллоҳ олдидаги масъулият тўғрилик шахс камолининг дахлсиз шартлари эди. Мана шу туфайли ҳам биз Навоийни билишда ҳафсаласизликка эрк бермаслигимиз шарт ва зарурдир.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,**
**филология фанлари доктори.**

# Жаҳон таниган барҳаёт сиймо

**ТАДБИРЛАР**

**КЕЧА**

**пойтахтимиздаги гўзал кошоналардан бири — Темурийлар тарихи Давлат музейининг марказий залида улуғ аллома, буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 561 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Мазкур анжуманни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан музей ходимлари ҳамкорликда ўтказдилар. Унда навоийшунос Суйима Ғаниева, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, шоир Сирожиддин Саййид буюк алломанинг ҳаёти, ижоди, унинг ўлмас асарларига алоҳида тўхталдилар.

Тошкент Давлат юридик институти талабалари «Алишер Навоий — давлат арбоби» мавзуида, Чилонзор туманидаги 138-, 131- ва 200-лицей мактабларининг ўқувчилари Навоийнинг барҳаёт асарларидан саҳна кўринишлари ижро этдилар ва ғазалларидан ёд олдилар.

Анжуманда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан китоблар кўргазмаси намойиш этилиб, китоб савдоси уюштирилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# Сўранг, жавоб берамиз



***Хонадон қайинэгачим номига хусусийлаштирилган эди. Улардан ташқари хонадонда 5 та оила аъзоси яшайди. Ушбу хонадон сотилаётганда қолган оила аъзоларининг розилиги талаб қилинадими?***

*М.Мақсудов.*

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 32-моддасига биноан хусусийлаштирилган хонадон ёки уй мулкдорнинг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган хонадон ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар ва тенг мажбуриятларни бажарадилар.

Хусусийлаштирилган хонадон ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага бериш учун хонадон ёки уй мулкдорнинг вояга етган оила аъзолари ва хонадон ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши керак. Хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда эса васийлик ва ҳомийлик органлари ҳимоя қилади.

* * *

***Эр-хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилингандан сўнг никоҳ давомида орттирилган мулк тасарруф этилганда эр-хотин ва фарзандларнинг ҳуқуқлари қандай?***

*Ҳ.Олимжонова.*

Эр-хотиннинг никоҳ давомида орттирилган мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёки пул маблағлари кимнинг номига ёҳуд эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар эр ва хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлиб ҳисобланади.

Эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуққа эгадир.

Эр-хотиндан бирининг номида бўлган умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан бирон-бир битим, шартнома амалга оширилганда, никоҳ бекор қилинган бўлса ҳам, бошқасининг нотариал тартибда расмийлаштирилган розилиги талаб қилинади. (Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 23-24-моддаси).

Мулк уй ёки хонадондан иборат бўлса, оилавий муносабатлар тугагандан сўнг ҳам, шу уйда рўйхатда бўлиб, яшаб келган оиланинг бошқа аъзолари ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 32-моддаси).

* * *

***Фуқаролик ҳолати далолатномалари ҳақида маълумот берсангиз?***

*М.Зокиров.*

Фуқаролик ҳолати далолатномалари — фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади.

* * *

***Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинади?***

*У.Исломов.*

Ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаганда, шу жумладан ота-она тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардаги боласини олишдан бош тортганда, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юкланади.

* * *

***Соч кўп тўкилишининг сабаблари ва унинг олдини олиш ҳақида маслаҳатлар берсангиз.***

*Б.Мақсудов.*

Соч кўп тўкилишининг сабаблари турли хил, жисмонан толиққанда, асаблар чарчаганда, кайфият бузилса ҳам соч тўкилади. Бу ҳолда сочнинг илдизини бақувват қилувчи турли воситалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, сирка сувининг тенг миқдордаги аралашмасига 100 гр. қичитқи ўт ташлаб, ярим соат давомида қайнатилади. Қайнатма совигач, докадан ўтказиб олиб қўйилади. Ундан ҳафта давомида фойдаланишингиз мумкин. Эритмани бош терисига қўл билан ишқалаб қўйсангиз, фойдаси янада каттадир. Агар сочингиз ўта ёғли бўлса-ю, у сизни безовта қилса, унда совун ўрнига ҳам қуруқ горчицадан фойдаланинг. Бироқ уни доимий равишда қўллаш мумкин эмас. Чунки бунда бош териси таъсирланиб қолади.

Маълумки, кўпроқ аёлларда ёш ўтган сайин соч толалари ингичка тортиб тўкила бошлайди. Бу ҳолда бир ош қошиқ ўсимлик ёғи билан 1 та тухум сариғи аралаштирилади. Аралашмани бош терисига суртиб сочиқ билан ўраб қўйилади. Ярим соат вақт ўтгач, совун кўпигида ювиш ва юмшоқ сочиққа артиб қуритиш лозим.

**Жавоблар Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Ферузахон ГАЗИЕВА ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Айтсам тилим, айтмасам дилим...

Ҳаёт тасодифларга тўла. Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳду вафо, севги-садоқат тўғрисидаги гапларни эшитсанг кўнглинг тоғдек кўтарилади. Аксинча...

Эрталаб автобусда кетаётиб уч-тўрт ёшли қизчаси билан бораётган ёнимдаги ҳамроҳим билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим.

— Боғчага кетаяпсизлармиi, дейман-а?

— Йўқ, — дейди у хомуш тортиб. — Қизалоғимни ойимникига олиб кетяпман. Сафарга чиқадиган бўлиб қолдим. Қайтгунимча ойим уч-тўрт кун қараб турмасалар, қизим уйда яккаланиб қоладиган бўлди.

— Қизчанинг онаси қайда?

— Бунисини сўраманг, отахон, айтсам тилим куяди, айтмасам дилим...

Қизиқсиниб қолдим.

— Нега ундай дейсиз, бўтам. Дил тубига чўккан дард оғир бўлади. Биров билан ҳасратлашсангиз кўнглингиз бироз бўлсада ёришади. Назаримда аёлингиз бевақт оламдан ўтган кўринади-а?

—Шундай бўлса кошки эди-я.

Йигит узоқ жимиб қолди. Кейин кўзларида ёш милтиллади. Сўровимдан ўзим ноқулай аҳволда қолдим.

— Кечирасиз, сизга ҳамдам бўламан деб ярангизни тирнаб қўйдим чоғи, — дедим узр сўраган бўлиб.

— Йўқ, сира бундай хаёлларга борманг. Гапингиз тўғри, отахон. Дардни ҳар қанча яширганингиз билан иситмаси ошкор қилиб турар экан. Анча йиллар бўлдики, поездда вагон оғаси бўлиб ишлайман. Навбати билан икки ҳафтада бир мартада сафарга чиқаман. Мен оилани ўйлаб йўлда, хотиним эса кўнгил майлига берилиб, хиёнат кўчасида юраверибди билмабман. Олдинига унча-мунча гапларга ишонмадим. Кейин ўзим сезиб қолдим. Шайтон турли йўлларга бошлади. Лекин қизалоғим тақдирини ўйлаб шайтон васвасасига берилмадим. Тишни тишга қўйиб босиқлик билан бақамти ўтириб гаплашдим. У йиғлади, сиқтади. Ўзини турли кўйларга солди. Ниҳоят ҳаққига кўчди. Юзи чидамади шекилли, эртасига севгани билан топишиб аллақаерларга гумдон бўлди. Ундан бизга мана бу хат эсдалик.

Йигит чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб қўлимга тутди. Унда: «Мен умрбод сиздан кетдим. Қизчамдан ҳам воз кечдим», деган сўзлар ёзиғлик эди.

Ҳамроҳим кейинги бекатда хайрлашиб автобусдан тушиб қолди. Бутун борлиғимни хаёл қоплади. Ҳозир мени ҳаммадан кўра ёшлик гашти деб гулдек қизалоғидан воз кечган ўша аёлнинг келажак қисмати ўй лантирарди.

Норизолик билан қурилган иморатнинг таги мўрт бўлади. Борди-ю шундай ҳол юз бериб, аёл ўкинига тушиб қизалоғи ёнига қайтса унгача оқ-қорани таниб, бўй чўзиб қолган қиз онасининг қилмишини кечира олармикан? Мана шу савол мени қийнарди.

## Тадбиркорликми ё олибсотарлик?

Йўлда кетаётиб уйдагиларнинг: «Отаси, агар йўлингиз тушса дўконга кириб бир-иккита тиш ювиш воситасидан ола келинг», деган гапи эсимга тушиб: «Интерконтиненталь» рўпарасидаги дўконга кирдим.

Сўровимга:

— Бор, қанақасидан керак, — деб жавоб берди сотувчи хушмуомалалик билан.

— Билмасам. Ишқилиб яхшироғидан берсанг бўлдида, чироғим.

— Ҳозир «Пепсодент»дан яхшиси йўқ. Шундан ола қолинг отахон, — деди сотувчи. — Нечта берай?

—Олдин нархини айтчи бўтам, ҳамёним кўтарармикан.

— 750 сўм.

— Қиммат экан. Майли, ҳозирча битта олиб тура қолай.

Йўл-йўлакай нон харид қилиш баҳонасида маҳалламиздаги дўконга ҳам кириб ўтдим. Сотувчилар қўлимдаги харидимни кўриб кулиб сўрашди:

— Ўзимизда бор бўла туриб буни қаердан олиб келяпсиз отахон.

— Ҳа, энди олдингдан оқар сувнинг қадри йўқ, — деган экан машойихлар, — дедим уларга ҳазил тариқасида. — Очиғи бу ерда борлигини билмабман.

Кейин нархини суриштириб кўрдим. «700 сўм» дейишди.

Қаранг-а, билганимда 50 сўм арзонига шу ердан оларканман бу ўтмас матоҳни. Шу хаёлда ҳовлига кириб борсам катта қизим билан набираларим келишибди. Болалар қўлимдагини бирор ширинлик фаҳмлаб менга ёпишиб кетишди. Унинг нималигини билишгач бирдан ҳаммаларининг ҳафсаласи пир бўлди.

— Вой, адажон. Буни нима қилиб кўтариб юрибсиз, —кулди қизим.

— Онангнинг буюртмасида, — дейман жилмайиб.

— Тавба, ҳозирги ёшлар негадир нарх-наво билан ўта қизиқувчан бўлиб қолишганда. Ҳаммаси баравраига нархини сўрайди-я.

—Жуда қиммат-ку, — дейди қизим, «Пепсодент»ни неча пулга харид қилганимни эшитгач. — «Чорсу» бозорида 550 сўм, узоғи билан 600 сўм туради бу матоҳ. Олиб сотади-да улар. Қаранг, сиздан бир дона тиш ювиш воситаси учун 150 сўм ортиқча пул олибди-я.

Унга аёлим қўшилиб, мени ношудликда айблади.

Тавба, бунисига нима дейсиз. Бу ҳам тадбиркорликнинг бир турими ёки ўзимиз билган олибсотарликми?

## Умидли дунё

Тунов куни ёққан қордан табиат чинакам қиш манзарасини кашф этди. Уйда зерикиб ўтирган эдим набирам Беҳзод:

— Бобо, машинамда бир шаҳарни айлантириб келайми, — деб сўраб қолди. Барака топкур кўнглимдагини топиб гапирадида шу набирам.

— Яхши бўларди чироғим, — дедим қувончимни яширмай.

Машинага ўтириб жўнадик. Кўзим табиат манзараларида. Дарахт шохларига ўтириб қолган қорлар қуёш нурида биллурдек товланади. Бу ҳолдан лаззатланиб табиати ўзидек гўзал, юртимиз борда, дея фахрланиб қўяман ўзимдан ўзим.

— Бобо, иккинчи Ҳалқа йўлини бир кўрсатайми сизга, — деди набирам хаёлимни бўлиб.

— Майли, — дейман розилик билдириб.

Йўлмисан йўл. Худди осмонда учиб бораётгандек ҳатто чайқалмайсан-а. Қатор-қатор кўприкларни айтмайсизми. Барака топсин унинг қурувчилари-ю лойиҳачилари. Бир-биридан кўркам ва равон бу мажмуаларни бунёд этиш учун озмунча тер тўкишдимикан улар.

Охири айланиб-айланиб Талабалар шаҳарчаси яқинига келиб қолибмиз.

— Менга қара бўтам, худонинг ўзи йўлимизни яқин қилди. 2- Тошкент Давлат тиббиёт институти касалхонасида бир танишим бетоб ётибди. Шуни бир йўқлаб ўтайлик.

— Майли-куя, лекин у томонга борадиган йўл бироз носоз-да, бобо. Бунинг устига қорли-қировли кунда машинада юриш оғирроқ бу йўлдан.

Қистовимдан кейин набирам ўша томон машина рулини бурди. Айтганича бор экан. «Ўзкўргазмасавдо» маркази билан трамвай йўлигача бўлган масофа носоз, ўнқир-чўнқир йўллардан иборат экан. Чайқала-чайқала машинамиз олдинга силжиб бормоқда. Нигоҳим йўлда. Ора-сира йўл юзида сув иншоотларини ўтказиш учун қазиб қўйилган ҳандақлар ҳам кўзга ташланиб туради. Агар машинани сергаклик билан бошқармасангиз бирон бир чуқурликка тушиб қолиш ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

— Айтганингча бор экан, чироғим. Бекор юрибмизда бу йўлдан, — дейман қалтис вазиятни кўриб.

— Мана шунақа йўллар шаҳримиз кўркига путур етказади-да, бобо, — дейди набирам ранжиб. Мен эса унга тасалли бераман.

Мана баҳор байрамлари яқинлашиб келяпти. Ҳадемай бу томонларга ҳам йўлсозларнинг қадами етиб қолса ажаб эмас. Бу умидли дунёда ҳар қалай тушкунликдан кўра умид билан яшаган яхшида бўтам.

**ЗИЙРАК БОБО**

## «02»: ҲОДИСАЛАР

● Ўзига талончиликни касб қилиб олган В.Ю. деган кимсага навбатдаги «ўлжа»си жуда қимматга тушадиган бўлди. У Миробод туманидаги Сарикўл кўчасида кетаётган фуқаро Василевскийнинг бўйнидаги сариқ металлдан ясалган занжирини юлиб олиб, қочиб кетишга уринган эди. Аммо милиция ходимлари унинг бу ниятининг амалга ошишига ўз вақтида тўсқинлик қилдилар.

● Шунингдек, Чилонзор туманида ҳам шундай жиноий ҳолатни содир этган Р.С. деган шахс ушланди. Бу «шоввоз», шу туманда истиқомат қилувчи К.Р. деган фуқарони қўрқитиб, нархи 5000 сўм турадиган сумкачасини тортиб олиб қочиб кетган экан. Милиция ходимлари ушбу талончининг ҳам фаолиятига чек қўйдилар.

● Яккасарой тумани ИИБ навбатчилик қисмига безорилик жинояти содир этган А.А. исмли шахс олиб келинди. Маълум бўлишича у ширакайф ҳолда фуқаро Турдибековни уриб, унга тан жароҳати етказган. Бу воқеанинг қандай юз берганига ўзи ҳам ҳайрон «зўравон» энди нима сабаб кўрсатар экан?

● Ҳеч қаерда ишлашни хаёлига ҳам келтирмайдиган Д.Б. охир-оқибат ўғриликка қўл урди. У Яккасарой тумани, Муқимий кўчасида яшовчи Султонованинг уйидан 620000 сўм баҳоланувчи турли буюмларни ўмариб кетиб, воқеа жойидан яширинган бўлсада, милиция тезкор гуруҳи ходимларининг қўлига далилий ашё билан тушди.

● Сергели тумани ИИБнинг «тунги гуруҳ»даги ходимлари М.И. исмли кимсани далилий ашё билан ушладилар. Аниқланишича, у ушбу туман фуқароси Файзуллаеванинг йўлакчасидаги симга осиб қуритиш учун қўйган палос, кўрпача ва чойшабини ўмариб кетаётган экан. Босилган ҳар бир ножўя қадамнинг оқибати асло яхши бўлмаслигини англамаган ўғрини энди тегишли жиноий жавобгарлик кутмоқда.

● Собир Раҳимов тумани милиция ходимлари томонидан аввал ҳам судланган, аммо ҳалигача ўзлари учун тўғри йўл танламаган икки ўртоқ далилий ашё билан қўлга олинди. Улар Керамзит корхонаси олдидаги нархи 9000 сўм қийматга эга кабелни ўмариб кетаётган эди. Режаси амалга ошмай барбод бўлганидан пушаймонда қолган икковлоннинг кўзлари энди ерга термулиб қолди.

● Бектемир тумани Дўстлик даҳасида истиқомат қилувчи Буговскийнинг Доминка кўчасида жойлашган дала ҳовлисидан нархи 60000 сўмга баҳоланувчи бир бош чўчқасини ўғирлаб кетишган. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир қилган Сангзор кўчасида яшовчи Р.А. қўлга олинди. Қилган қилмишидан афсус чекаётган ўғрининг кўз ёшлари энди фойда бермаслиги аниқ.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи мухбири.**



*Пойтахтимиз кўргазма залларида.*
*Сергей Любчич олган сурат.*

# Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

- Донолик беҳаддир — бу йўлдан қанча илгарилаганинг сари у тобора зарурлашиб боради.
- Донолик — тажрибага эгизак.
- Доноликдан уч фазилат келиб чиқади: мақбул қарорга келиш, бехато сўзлаш ва лозим бўлган ишни қилиш.
- Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён бўлади: биринчиси бошқаларга берган маслаҳатига ўзи амал қилади. Иккинчиси ҳеч қачон ҳақиқатга қарши бормайди. Учинчиси ўз атрофидаги одамларнинг нуқсонларига сабр-тоқат билан чидайди.
- Фикр ҳам озуқ. Фикрлаш эса озиқланиш демакдир.

Ҳикоят: Фалокат босиб эр-хотин уришиб қолишди. Охири бўлмади ажралиб кетишди. Болалар тирик етим бўлиб қолишди. Бир доно бунинг давосини топди. Эрини кўрса ҳам, хотинини кўрса ҳам бирини номидан иккинчисига салом айтавердида, охирида уларни келиштириб юборди.

- Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.
- Сендан юз ўгирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир. Суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олижанобликка нуқсон етказишдир.
- Искандарга дедилар: Агар Худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар:

— Сўзга усталик нима?

Айтди:

—Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмаслик.

Яна деди:

— Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди.

Байт:

**Эй биродар, ҳеч қачон ёлғон гапирма,**
**Чунки ёлғончи хор ва қадрсиз бўлар.**
**Ёлғончилик кишини шармисор қилар,**
**Ёлғончилик одамнинг обрў-эътиборини кетказар.**

- Инсониятнинг битта кулфати бор, у жаҳолатдир; бу кулфатнинг ягона даъвоси эса илм.
- Куч — ақлда. Ақлсиз бош бамисоли шамсиз чироқ. Ҳар ким табиий ақл-идрокка эга бўлиб, илму ҳунар ўрганишга интилса у ўз орзусига етади.
- Буқрот Ҳаким деди:

— Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди:

— Кўнглингиз душман ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг. Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

Яна унинг сўзларидан:

— Дунё йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди. Кимки ундан бироз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф этса фойда олади, кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради.

Байт:

**Дунёда умринг бир кунчалик ҳам эмас, шундай экан**
**Ўн йиллик ризқни сақлаб нима қиласан?**
**Сенга тегишли ризқ у ердан юборилади,**
**Сен ўша берилган ризқнигина бу ердан ола оласан.**

- Қизиққонлик, аччиғланиш, ғазабланиш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бебурд қилиб қўяди.
- Ўзини тута билишда, босиқликда гап кўп. Унинг меваси ширин, натижаси шарафлидир.
- Ривоят қилишларича, қадим замонда бир-бирини ниҳоятда севувчи ошиқ-маъшуқлар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар бошқа-бошқа айрилиқда яшашларига тўғри келган экан. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда жангу жадалларда қатнашади. Ана-мана дегунча орадан 17-18 йил ўтади. Ўз юртига қайтган йигит уйига келиб қараса, қўшни хонада мўйлаби сабза урган ёшгина йигит маст уйқуда ётган эмиш. Бундан қаҳрланган эр: «Мен сени бир дақиқа ҳам ёдимдан чиқармай, сенга талпиниб юрсаму сен бевафолик қилсанг» деб қиличини суғуриб йигитни ҳам, нариги уйда ётган рафиқасини ҳам чопиб ташламоқчи бўлади. Шунда эсига устозларнинг «Қаҳринг келса қирққача сана» деган ўгити ёдига тушиб санашга тушади. Овоздан уйғонган аёл қараса эри қилич яланғочлаб дарғазаб турибди. Шунда хотин ухлаб ётган йигитча ўғли эканлигини айтади. Чунки эри хизматга кетаётганда ўғли туғилмаган эди. Бу қувончдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эр ўғлини бағрига босади.
- Муҳаббат барча яхши, юксак, қудратли, ёқимли ва ёркин фазилатлар ижодкоридир.
- Дунёда қуёшдан сулув илоҳиёт йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
- Севиш ва севилиш naқадар буюк бахт.
- Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.
- Севги ўлим даҳшатидан кучлироқ.
- Эркак ва аёл — бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз ҳақиқий ва тўлақонли оҳанг беролмайди.

Ҳикоят: бир куни улфатлар даврасида икки ошиқ-маъшуқлар ҳақида сўз борди. Шунда бир йигит:

— Қиз унчалик гўзал эмас экан, шунга қарамай нега у дўстимизнинг дилини шунчалик ром қилибди, — деб қолди.

Шунда улфатлари:

— Йигитни ром қилган нарса қизнинг чиройли жамоли эмас, балки чиройли хулқи,— деб жавоб беришибди.

Байт:

**Дилраболар ошиқ аҳлин ўлдурур тош дил билан,**
**Лек қайта тиргизур хушҳулқу, ширин тил билан.**
**Сен ғазаб бирла бирор филни енголмассан бироқ,**
**Бўлмаса юмшоқлик уни ром айлагунг бир қил билан.**

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

МУҲАММАД АВФИЙ

# ЖАВОМИЪ УЛ-ҲИКОЁТ

## ҲОТАМ ВА УНИНГ БИРОДАРИ

Ҳотам Той бу дунёдан ўтгач, биродари унинг ўрнига ўтиришни ва эҳсон карамини дунё аҳлига поёндоз қилмоқни ихтиёр қилди. Айтадиларки, Ҳотам етмиш даричали юмалоқ қаср бунёд қилиб, ўзи шу қасрда яшар экан. Эҳсонталаб гадолар қаср даричаларидан бирига келиб хайр-эҳсон сўраркан. Ҳотам бир гадога хайр-эҳсон қилгач, иккинчи даричадан яна қўл чўзаркан. Ҳотам яна хайр-эҳсон қиларкан, гадо учинчи даричадан яна қўл узатаркан... Шундай қилиб, гадо етмиш даричанинг ҳаммасига келиб Ҳотамдан хайр-эҳсон сўраркан.

Ҳотам эса ҳеч қачон: «Ҳозир бу даричадан келган эдинг-ку, энди бунисидан келдингми», демас экан.

Ҳотамнинг биродари ўша қасрда ўтиришни орзу қилди. Онаси ўғлига деди: «Сен Ҳотам бўла олмайсан ва ҳеч кимга ҳотамлик муяссар бўлмаса керак». Ҳотамнинг биродари онасининг сўзига қулоқ солмади. Ниҳоят, онаси ўғлини синаб кўрмоқчи бўлди ва гадо кийимини кийиб, ўғли ўтирган юмалоқ қаср даричаларидан бирига келиб хайр-эҳсон сўради. Ўғли хайр қилди. Она иккинчи даричадан келиб қўл чўзди. Ўғли яна хайр қилди. Она учинчи даричадан келиб хайр-эҳсон сўради. Ўғли деди: «Ҳозирнинг ўзида икки даричадан келиб, икки марта эҳсон олдинг, энди учинчи даричадан келдингми?»

Шу онда она ўзини ўғлига танитаркан, жон болам, мен сенга ҳаргиз Ҳотам бўлолмайсан, дегандим. Мен бир кун биродаринг Ҳотамни синамоқчи бўлиб, мана шундай гадо кийимида қасрнинг даричасига бориб хайр-эҳсон сўрадим. Бирин-кетин етмиш даричадан борардим, биродаринг ҳамма даричадан менга эҳсон берарди. Аммо бирор марта ҳам: «Ҳозир бу даричадан келган эдинг-ку», деб савол қилмади. Мен сизларнинг табиатларингиз бир-бирингизникига ўхшамаслигини ёшликларингизданоқ билардим. Чунончи, Ҳотамни эмизганимда битта эмчакни оғзига оларкан, иккинчисини сенга берарди. Сени эмизганимда эса битта эмчакни оғзингга олиб, иккинчисини маҳкам чангаллаб турардинг ва бировга беришга қизғанардинг.

Сизларнинг табиатларингиз бир-бирингизникига ўхшамаслигини ўша вақтдаёқ билиб олган эдим. Зотан, одамзоднинг табиати, ахлоқи унинг билан бирга туғилиб вояга етади. Аммо яхши ахлоқни ҳам, ёмон ахлоқни ҳам вояга етказиб, такомиллаштирувчи тарбиядир, деди.

## ПИР ВА БЎЗФУРУШ ҚИССАСИ

Бухорода Хожа Имом Бакр Фазл... муридларидан бири бўзфурушлик қиларди. Аммо доим Хожа Имом Бакр хизматида қойим эди. Шунингдек, пирининг иродасига бўйсуниб мол-дунёга лоқайд қарарди. Бўзфурушнинг бир ўғли бўлиб, иш кўрмаган ва тажрибасиз йигит эди. Қазо ва қадарнинг тақозоси билан рамазон ойида бўзфурушнинг ўғлини бир қиз билан зино асносида тутиб олдилар.

Шаҳар волийси йигитни қамоққа олди ва отасининг мол-мулкига дахл қилди. Бўзфуруш Имом Бакр Фазл ҳузурига келиб ундан мадад сўради. Имом бўзфурушга деди: «Рамазон ойида зино қилмоқлик бу катта жиноятдир. Мен бу ишга кафил бўлолмайман ва бу иш менга лойиқ эмас».

Бўзфуруш бир парча оқ қоғозни олиб пирнинг олдига келиб, менга шафоатнома ёзиб беринг, токи у дунёда дўзах малоиклари менга азоб бермасинлар, деб сўради.

— Менинг ёзган ҳужжатимни дўзах малоиклари қабул қилмайдилар ҳамда менинг шафоатим у ерда ўтмайди.

— Адолат юзасидан гапиринг, менинг сиз билан муносабатим бу дунё учунми ё у дунё учунми? Агар суҳбатингиз самараси бу дунёда менга асқотмаса, аминманки, у дунёда қиёматда асқотмайди! Бинобарин, хизматингизда бўлишимдан не фойда?

Пир бир оз жим тургач, деди: «Рост айтдинг, яхши аҳду паймонни ўртага солмоқни тақозо қилдинг. Сенинг талабингни тўхтовсиз бажарурман».

Пир отга миниб Хуросон амирининг олдига борди. Бўзфуруш ва унинг ўғли ҳақидаги қиссани амирга сўзлаб берди ва йигитни қўллаб-қувватлади. Амир кулди ва бўзфуруш ўғлининг гуноҳидан кечди. Пир қизга одам юбориб, уни олиб келтирди. Қизни йигитга никоҳ қилдилар. Шундан сўнг пир билан бўзфуруш ўртасидаги муносабат яна боғланди.

Ҳикоятдан мақсад, ҳар кимда давлат ва қудрат бўлса, дўстлар эҳтиёжидан аямасин ва яхши аҳду паймон расмини адо этсин, токи ўғил-қизлари яхши ахлоққа мушарраф бўлсинлар.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# «Алишер Навоий мадҳи» муаммономаси

**Азиз оқшомхон!** Аввало қуйида таърифланган ва ҳикматли сўзларда келтирилиб рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони — 15, 5, 22, 8, 1.
2. Академик адиб Ойбек романи — 9, 3, 13, 5, 2, 23.
3. Навоийнинг «Лисонут-тайр» («Қуш тили») фалсафий асаридаги маъжозий қаҳрамонлардан бири — 7, 16, 7, 2.
4. «Сабъаи сайёр» достони бош қаҳрамонларидан бири — 4, 3, 17, 1, 5, 6.
5. Шоирнинг радиф ва қофияларига риоя этилган ҳолда алифбо сираси билан тартиб этилган тўлиқ шеърлар тўплами — 14, 10, 13, 5, 9.
6. Навоий таърифлаган шеърий вазн — 3, 1, 8, 18.
7. Шеър сўзининг китобий атамаси — 3, 15, 21, 5, 1.

Алишер Навоий ҳикматларидан:

8. Одам эрсанг, демагил одами,
Оники, йўқ 24, 3, 11, 19. ғамидин ғами.
9. ...Душман фирибин ема,
Ва маддоҳ хушомадин 20, 2, 9. дема.
10. Нечаки хирад ичра бўлса ками,
Йилондин ямонроқ 25, 6, 3, 26. одами
11. Юз ганж кишига ақлдин ҳослидур,
Йўқдур анга фарқу фано, 12, 2, 6. оқилдур.

Энди очқич жавоблари асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан Низомиддин Мир Алишер Навоийга берилган таъриф, унинг муаллифи бўлган мумтоз шоир ва олимнинг номи ва нодир асарни билиб оласиз.



**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

## Газетанинг шу йил 1 февраль сонида берилган «Ш» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:

**Энига:** 7. Шоколад. 8. Шаҳодат. 9. Шуманай. 12. Шувоқ. 13. Шафсиз. 16. Шамол. 17. Шопен. 21. Ширинак. 23. Шотомир. 24. Шифокор.

**Бўйига:** 3. Шойигул. 4. Шатун. 5. Шараф. 6. Шарофат. 10. Шолохов. 11. Шакароб. 14. Шарипов. 15. Шеробод. 18. Ширин. 19. Шариф.

**Ёйлар бўйича:** 1. Шовқин. 2. Шолғом. 20. Шийпон. 22. Шодмон.

**Муаммонома**

**Рақамлар жуфтлигида:** Тил борки бол келтиради, тил борки бало келтиради.



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-112. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 12.30 1 2 3 4 5 6

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ақл, қувват шундай бир гавҳардирки, ҳар қанча истеъмол этилса, ўшанча яроқлайди.

● Ҳар ватандошнинг энг асосли ва муқаддас вазифаси Ватанни севиш ва унга фидокорона меҳнат қилишдир.

● Муомалада инсоф ва адолатни ўзига раҳбар қилиб олган одам ҳар бир ишда зафар топади.

● Ҳаётда энг улуғ бахт-саодат — соғлом ва қувватли вужудга эга бўлишдир.

● Ҳаётда муваффақият қозониш учун фақат бадан ва фикрнинг тарбияси кифоя қилмайди, ахлоқни ҳам тарбия этиш лозимдир.

● Ахлоқ тарбиясининг ғояси инсонларнинг ахлоқ жиҳатидан мукаммал бўлишларини таъмин этишдир.

● Таълим-тарбияда энг катта хато шошма-шошарлик.

Шайх Саъдий айтади:

— Нафс тизгинини нопокликдан қайтарувчилар, ярамас ишлардан сақланувчилар мардлик ва баҳодирликда Наримон ва Рустам Золдан юқори турадилар. Чунки нафс билан кураш, у билан жанг қилиш бошқа душманлар билан жанг қилишдан қийинроқдир. Сен илму адабни қўлга ол, адаб гурзиси билан душманнинг нафс бошига ур, инсоннинг нафсдан катта душмани йўқдир. Агар сен ақл ва фикр эгаси бўлсанг, ҳа деб нафсинг орзусига йўл бераверма. Агар нафсингнинг ҳамма орзусини бажо этсанг, уни семиртирсанг, у сени бир кун ҳалокат чуқурига бошлайди.

Ҳикоят: бир гала товуқ экинзорга ҳужум қилиб, донларни тумшуқлари ва чангаллари билан титиб еб битиришибди. Лекин баъзи товуқлар бошқаларга нисбатан камроқ ейишибди. Босқинчилардан хабар топган деҳқон югуриб келибдида, бир неча семиз, дон еяберииб, оғирлашиб кетган товуқларни ушлаб олибди, бошқалари эса қочиб улгурибди.

Ҳисса: нафси бузуқ ҳамиша панд ейди.

Байт:

**Яхшилик тухми саодатлар берур,**
**Гар тикан эксанг оёғингга кирур.**

Ҳусайн Воиз Кошифий айтади:

— Бирор ишга ғайрат билан киришган киши машаққат тортишдан қўрқмасин. Агар ғайрати соясида мақсади ҳосил бўлса, жуда яхши, мабодо кучи етарли даражада бўлмай, кейинга қолиб кетса оқиллар қошида у киши узрлидир. Улуғ мақсад йўлида ҳиммати баланд бўлгани халқ кўнглида сақланади.

Байт:

**Талабда кўшиш айларман агар топсам**
**на армондир,**
**Ва гар мақсул қўлимга кирмаса ҳам**
**узрим осондир.**

Ҳикоят: ҳинд ҳакимларининг масалларидан маълумдиркки бир чумоли ғайрат камарини белига боғлади, олиб ташлаш одамларга ҳам оғир бўлган бир тепа тупроқларидан озгина-озгина олиб бир томонга ташлаб кела бошлади. Учиб кетаётган бир қуш чумолини кўриб қолди. Унинг завқ-шавқ билан берилиб ишлашига таажжубланиб:

— Эй, ҳамма мавжудотнинг ориғи ва ҳамма жониворларнинг кучсизи, уддасидан чиқиш мушкул бўлган бир ишга урингансан, нега ўзингга шунча машаққатларни юклайсан? — деди.

Чумоли қушга шундай жавоб берди.

— Мен ўз жинсимдан бирисига кўнгул бериб, ундан висол истагандим, маъшуқам:

— Ғайрат оёғингни бу тепа устига қўй, уни бир томонга олиб ташла, ундан кейин мендан висол талаб қил, деб шарт қўйди. Шунинг учун мана шу ишга киришдим, ғайрат қилиб ишимни охиригача битираман деб умид қиламан.

Қуш унга:

— Тепани йўқ қилиш сенинг ишинг эмас, кучинг етмайди, бекордан бекорга уриниб, ўзингни машаққат қучоғига отма, — деди.

—Мен ғайрат мақомида маҳкам туриб шу ишга қадам қўйдим. Агар тепани йўқота олсам муродим ҳосил бўлади, бу ишнинг уддасидан чиқолмасам ҳам мени айблай олмайдилар. Узримни қабул қилсалар керак.

**Гар муродим илгим ичра етгуси,**
**Ғам билан андуҳ мендан кетгуси.**
**Ғайратимдан бўлмаса мақсад томон,**
**Унда мен маъзур бўлгум, вассалом,**

деб жавоб берди чумоли.

● Дунёпарастлар бойликни молдан қидирадилар, ваҳоланки, у қаноатдадир. Роҳатни эса кўпдан қидирадилар, аксинча у оздадир.

Байт:

**Учқур оту, янги либосда**
**Ҳеч фазилат эмасдир ниҳон.**
**Дунёпараст хуш либосликнинг,**
**Юрагида ғамидур уммон.**
**Жон роҳатни изласанг агар,**
**Қаноатда бўлгандир пинҳон.**

Бир ҳакимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқди ва бирордарлик даражасига етди ва қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?»

Ҳаким: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадигани», — деб жавоб берди.

● Инсон жасадидаги ақл дарахтга ўхшайди. Дарахт тоза ва ҳосилли бўлса, ундан самара умид қилиш мумкин. Унга пажмурдалик ва хазон етса ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзимайди.

Ҳикоят: бир жоҳил кишининг жаҳли бурни устида тураркан. Арзимаган нарсадан асабийлашиб жанжал чиқараверар экан.

Бундан безор бўлган уйдагилар бир донодан: «Нима қилсак экан?» деб маслаҳат сўрашибди. Доно қуйидаги мақолни жаҳлдор рўпарасига ёзиб қўйишни айтибди. «Жаҳл келса — ақл кетади».

Байт:

**Ростлигу дўстликни кутса бўлади,**
**Оқил кишилардан, фарзоналардан.**
**Аҳмоқлик бўлади яхшилик кутмоқ,**
**Ақли йўқ, баднамо, девоналардан.**

---

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

# «Ўзбек Пелеси» ишқибозлар ёдида

**Ҳаётда турли тасодифлар, кутилмаган воқеалару ногаҳоний оғир йўқотишлар бўлади. 1978 йилнинг 12 апрель куни севимли «Пахтакор» жамоамиз тарихидаги энг қайғули, машъум кунлардан бири сифатида ўрин олган. Зеро, шу куни ўзбек футболи ўзининг энг фидойи, ватанпарвар ўғлонларидан бири — ўн йил давомида «Пахтакор» жамоасида тўп суриб, жўшқинлигию сермаҳоратлиги боис «Ўзбек Пелеси» номини олган, келажаги порлоқ мураббий сифатида ўсиб келаётган Ҳамид Раҳматуллаевдан айрилган ҳолда жудоликка учради. Москванинг «Локомотив» жамоаси мураббийларини аэропортга кузатиб қайтаётганида Ҳамид Раҳматуллаев кетаётган машина автоҳалокатга учраб, навқирон 36 ёшида у ҳаётдан кўз юмди.**

«Мозийга қайтиб иш кўриш, қолаверса орамиздан ўтган яхши кишиларни эслаш хайрлидир», деганларидек, қуйида биз баҳоли қудрат Ҳамид Раҳматуллаевнинг ҳаёт йўлига назар ташлаб унинг нафақат майдондаги маҳорати, балки инсоний фазилатлари хусусида ҳам сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Шаҳримиздаги Эски шаҳар ҳудудида жойлашган машҳур «Спартак» мактабида ўзбек футболига кўплаб ёрқин истеъдодларни етказиб берган таниқли мураббий Маъруф Акбаровнинг Акмал Азизхўжаев, Мақсуд Шарипов, Равшан Юнусов, Биродар Абдураимов каби севимли шогирдлари қаторида Ҳамид Раҳматуллаев ҳам футболдаги ўзининг дастлабки сабоқларини ушбу файзли масканда олди. Сўнг эса Б. Абдураимов, Д. Ан, В. Штерн, Е. Казаков, Г. Гарканов каби ўйинчилар билан бирга 1960 йили «Пахтакор» футбол мактабининг учинчи битирувчилари сафидан ўрин олган ҳолда катта спортдаги ҳаётга қадам ташлади.

Ёш, иқтидорли футболчини ўша йилиёқ «Пахтакор» жамоасига қабул қилишди. Олий лига ўйинларида у майдонга илк бор 18 ёшида 1960 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида Харьковнинг «Авангард» жамоаси билан бўлган ўйинда тушди. Кейинги йили олти ўйинда қатнашиб мавсумнинг «Локомотив» билан бўлган охирги ўйинида ўзининг дастлабки тўпини киритди.

1962 йили «Пахтакор» олий лигада 6-ўринни эгаллаганида Ҳамид Раҳматуллаев ҳам жамоадошлари қатори спорт устаси унвонига эга бўлди.

Ҳ. Раҳматуллаев футболни жони дилидан ҳам ортиқ севарди. 1963 йили жуда оғир жароҳат олганига қарамасдан бир йиллик танаффусдан кейин бўлса ҳам футболга қайтиш учун ўзида куч топа билди. Келаси йили 8 ўйинда майдонга тушиб битта гол урган ҳолда «Пахтакор»нинг олий лигага чиқишига ўзининг ҳиссасини қўшди.

Умуман, Ҳамид Раҳматуллаев ярим ҳимоя чизиғида тўп сурган бўлса-да, тез-тез ҳужумга ўтиб тўплар киритиб турарди. У чемпионат ўйинларида 192 бор майдонга тушиб 20 та тўп киритган. Энг муҳими, унинг ҳар беш тўпидан биттаси ҳал қилувчи бўлиб, «Пахтакор»га ғалаба келтирган. Ҳамиднинг Кишинёвда «Молдова» ва Олмаотада «Қайрат» дарвозаларига ғалаба келтирган тўпларини ишқибозлар ҳамон чуқур энтикиш билан эслайдилар. 1965 йили Грециянинг «Арис», 1969 йили эса Куба ёшлар терма жамоаси дарвозаларига киритган «хет-трик»лари ҳам унинг футбол ҳаётидаги энг ёрқин саҳифалар сирасига киради.

Кейинги йилларда «Пахтакор»нинг сардори бўлган «Ўзбек Пелеси» 1972 йили оғир жароҳатланиб катта футболни тарк этишга мажбур бўлади. Шу йили у қадрдон жамоасига мураббийлик вазифасига ўтиб, «Пахтакор»нинг олий лигага йўлланма олишга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвони билан тақдирланади.

— Ҳамид акам билан 15 йил бахтли ҳаёт кечириб, уч фарзандни оқ ювиб-оқ тараб ўстирдик, — хотиралари билан ўртоқлашади у кишининг турмуш ўртоғи Людмила Раҳматуллаева. — Оиласи ва болаларига меҳрибон, бағри кенг, олийжаноб инсон эди. Ўзи катта оилада ўсган бўлиб етти нафар укалари ва сингилларига ҳам бирдек меҳрибон эди. Ҳаётини футболсиз асло тасаввур қилолмасди. Майдонда ҳам ногаҳон бирор-бир рақибини чалиб йиқитиб юборса, дарҳол кечирим сўрарди.

Ёдимда, Москвада олий мураббийлар мактабини битирганидан кейин Пермнинг «Звезда» жамоасига улкан ваъдалар билан мураббийликка чақиришса ҳам, «Мени Ўзбекистон ўқитган, ҳеч қаерга кетмайман» дея қатъий қарор қилган эди.

— Қадрдоним, ёшликдан бирга ўсган собиқ жамоадошим Ҳамид Раҳматуллаев каби фидойи, мард, заҳматкаш инсонлар ҳаётда кам учрайди, — дейди «Пахтакор» тарихидаги ўша нурли йилларни эслар экан 60-йилларнинг машҳур ҳимоячиси Акмал ака Азизхўжаев. — У ёшлигиданоқ бошқалардан алоҳида ажралиб турарди. Жуда хушчақчақ, софдиллиги кўзидан сезилиб турарди. Биров хатосини кўрсатса хурсанд бўлиб, уни тузатиш устида ишларди.

Одамгарчилиги, оқибати кучли, дўстларга садоқатли эди. Айниқса, «Қайрат»нинг моҳир ўйинчиси Тимур Сегизбоев билан қалин дўст эди. Эсимда, 1977 йили Тимур Қозоғистон ёшлар терма жамоасининг бош мураббийси сифатида Пахтаоролга келганида унинг олдига икки бор келиб яхшилаб меҳмон қилганди.

Олий лигадаги кучли жамоаларда 19-20 ёшли ўйинчиларни асосий таркибга камдан-кам қўйишади. Ҳамид ёшлигида Тазетдинов, Беляков каби моҳир футболчиларни заҳирага чиқариб уни кўп бор майдонга туширишганининг гувоҳиман. Зеро, мураббийлар унга ишонишарди. Ҳамидга тўп тушса гўёки оёғига елимлангандай «ёпишарди», майдонни жуда яхши кўра олар, тезлиги ҳам юқори эди. Бўш томонлари деярли йўқ эди. Муғомбирлик унга ёт эди. Ҳам сариқ касалига чалиниб, ҳам оёғи оғир жароҳатлангач, соғайганидан сўнг баъзи футболчилардек майдонда 10-15 дақиқа ўйнаб ўзини асраган ҳолда футболдаги фаолиятини узоққа чўзишни хоҳламади.

У доимо ўрнак оларли инсон эди. Ёшлигида ўзининг футболга ёндашуви, фидокорлиги билан катталарга ўрнак бўлса, ёш мураббийлигида ҳам маҳорати, етукликка интилиши билан барчага ўрнак бўларди.

У беназир мураббий Вячеслав Соловьёв билан бирга ишлаб бежиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвонини олмади. У мураббийларнинг энг ёши бўлишига қарамасдан Федоров, Ан, Аширов, Хадзипанагис каби чарм тўп усталарининг маҳоратлари очилишига катта ҳисса қўшди. Ўринбосарлар таркибига мураббий сифатида Бозоров, Баканов каби кучли футболчиларни етиштирди. Асосий таркиб билан тенг ўринбосарларни тайёрлади...

Ҳа, умрни оқар дарё дейдилар. Ўзбек футболининг фахри, фидойиси Ҳамид Раҳматуллаев ҳаёт бўлганида 60 ёшга қадам қўярди. Ишқибозлар Ҳамид Раҳматуллаевни майдондаги Пеле каби чиройли ҳаракатлари, ажойиб маҳоратию ғамхўр оила бошлиғи, оқибатли ва ички маданияти юксак камтар инсон сифатида ҳеч қачон ёдларидан чиқармайдилар.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



**СУРАТДА: ҳужумда Ҳамид Раҳматуллаев.**

---

КЕКСА ЮРАК МАВЖЛАРИ



● ***Тўра Жуман «Оқшом» муштарийларига яхши таниш бўлган ижодкордир. Унинг ижодига мансуб бўлган шеърлар «Тошкент оқшоми» саҳифаларида тез-тез ёритиб турилади. 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлигидан кўнгли фахр ва ифтихорга, қувончга тўлган отахон шоир навбатдаги янги туркум шеърларини бугун «Оқшом» муштарийлари билан баҳам кўраётир.***

### АҚЛ НЕЪМАТИ

**Аллоҳ ақлли қилиб ҳар инсонни яратди,**
**Инсон эса экинзор, боғ-бўстонни яратди.**

**Ақл неъмати бизга гултож этиб берилди,**
**Одам шаҳар, қишлоқлар, хонадонни яратди.**

**Ақли камлар девона ёки шўр пешонадир,**
**Бирдайликда қизиқ йўқ деб нодонни яратди.**

**Ақли кўплар кашф этди янги-янги ихтиро,**
**Тўра минг-минглаб ғазал, шеър, достонни яратди.**

### СЎЗЛАШ НЕЪМАТИ

**Алоқа учун қулай бизга сўзлаш неъмати,**
**Сўзлар билан билинар инсон фикри, нияти.**

**Тил дилнинг оҳангини ифодалар сўз билан,**
**Сўзламаса билинмас одам қаҳри, ҳиммати.**

**Топиб сўзлаган киши кўнгилларни яйратар,**
**Кимки қопиб сўзласа йўқолади ҳурмати.**

**Заҳар тил эгасининг бошига ғам келтирар,**
**Ширин сўзлаб Тўранинг ошди қадр-қиммати.**

### КЎРИШ НЕЪМАТИ

**Кўриш неъмати улуғ, малоҳатни кўрасан,**
**Чиройли товланишни, латофатни кўрасан.**

**Дунёнинг жилвалари қувонтиради сени,**
**Турли ранг, гўзалликни, назокатни кўрасан.**

**Ёмон бўлсанг яхшига эътибор бермай сира,**
**Фақат ярамас ишни, касофатни кўрасан.**

**Яхши бўлсанг ёмонга эътибор бермай, Тўра,**
**Фақат эзгу ишларни, шарофатни кўрасан.**

### ҲАВОЙИ НАФС НЕЪМАТИ

**Ҳавойи нафс неъмати инсон ихтиёрида,**
**Бириси пастда бўлса, бириси юқорида.**

**Нафсни тийган омадли, тиймаганлар омадсиз,**
**Қандай бахт кулсин бўлса фикри биров ёрида.**

**Яна иккита нафс бор, бири мол-дунё тўплаш,**
**Иккинчиси мансабдор бўлиш имкон борида.**

**Мансабни эгаллаш-чун туҳмат қилар яхшига,**
**Тўра, нафсни тийганлар халқнинг эътиборида.**

### ЭШИТИШ НЕЪМАТИ

**Қандай яхши тингласанг куйнинг мумтозларини,**
**Санъаткорлар янгратса қўлдаги созларини.**

**Эшитиш неъматига эга бўлиш — катта бахт.**
**Роҳат берар эшитсанг ёрнинг овозларини.**

**Олам билан мулоқот эшитиш билан бўлар,**
**Яйрайсан тинглаб найнинг дилга ҳамрозларини.**

**Булбулнинг сайрашидан Тўра илҳом олади,**
**Қандай яхши тингласанг куйнинг мумтозларини.**

### САБР-ТОҚАТ НЕЪМАТИ

**Қаноатли кишилар ниятига етади.**
**Қаноатсиз ўзининг оёғидан етади.**

**Сабр-тоқат неъмати — неъматларнинг аълоси,**
**Сабр қилсанг ғўрадан бир кун ҳалво битади.**

**Сабр одамга ҳамдард, севинчли кунда ҳамдам,**
**Саботли, матонатли қийинликдан ўтади.**

**Борига шукр қилиб, кимки ҳалол яшаса,**
**Тўра, ундай кишилар бахт қушини тутади.**

### ТИРИКЛИКНИНГ НЕЪМАТИ

**Тирикликнинг неъмати мева, нонни авайла,**
**Ёруғ жаҳон, сув, ҳаво, ер, осмонни авайла.**

**Орзу, умид, севинчли ташвиш нақадар яхши,**
**Оз умрингда адоват қилмай онни авайла.**

**Ёмонлик қилиб сўнгра афсус, надомат чекма,**
**Боғ, гулзорни кўпайтир, хиёбонни авайла.**

**Тириклик азизлигин яхши тушунсанг, Тўра,**
**Ҳеч кимга озор бермай, ҳар инсонни авайла.**

### КУЧ-ҚУВВАТ НЕЪМАТИ

**Куч-қувват неъматига эга бўлиш — шараф-шон,**
**Дунёга танилади кучи ғоят кўп инсон.**

**Ким билмайди боксда зўр Муҳаммад Алини,**
**Эсланади Муқанна ҳамда Маҳмуд паҳлавон.**

**Ақлсиз кучим кўп деб берар кишига,**
**Ақлли кучни сарфлар фойдали ишга ҳар он.**

**Бир дилбарни уч-тўртта безоридан қутқарсанг,**
**Тўра, бир умр сендан миннатдор ўша жонон.**

### ИХТИЁР ХИСЛАТИ

**Худо бизга ихтиёр хислатини ҳам берди,**
**Ихтиёр, эрк, ҳуқуқда ҳаммани бирдай кўрди.**

**Инсон нима истаса қилсин бемалол дея,**
**Аллоҳ фикридан қайтмай аҳдида содиқ турди.**

**Ақллилар борига шукур қилиб яшади,**
**Ақлсизлар мол тўплаш учун тинмай югурди.**

**Ихтиёрим ўзимда экан деб пораҳўрлик,**
**Фоҳишалик, ўғирлик қилишликка улгурди.**

**Ёмонлар жазосини олмай қолмади, Тўра,**
**Яхшилар ниятига етиб зўр даврон сурди.**

**Тўра ЖУМАН**

---


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ**

2002 йил учун объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва капитал таъмирлаш учун

**ТЕНДЕР**

эълон қилади.

Буюртмалар 2002 йилнинг 20 февралига қадар қуйидаги манзилда — Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида қабул қилинади.

**Тел: 41-06-31.**

«Қишлоқ қурилиш» очиқ акциядорлик жамияти тизимидаги Юнусобод тумани «Чоштепа» деҳқон бозори — шўъба корхонаси тугатилди.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида 23-25-99 телефони орқали қабул қилинади.

Бизнинг манзил: 700114, Юнусобод тумани, 19-мавзе, Т.Зоҳидов кўчаси, 119-уй.


Тошкент шаҳар ҳокимлиги Адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг бўлим бошлиғи Эркин Ярашивич Пардаевга ва унинг оила аъзоларига падари бузруквори

**Яраш ПАРДАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаб жамоаси ва касаба уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Олий мактаб ўқитувчиси Карима Узоқовага турмуш ўртоғи

**Жасур ҒУЛОМОВнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

## Бу ажиб дунё

### «Менга бошқача муносабатда бўлишарди...»

Магнитогорсклик ўқитувчи Вера Зимоева ёзади: «Мактабда география фанидан дарс бераман. Францияга саёҳатга ўз ўқувчиларимни олиб бордим. Бироқ қаерга бормай, ким билан рўпара келмай, улар менга нисбатан жудаям бошқача муносабатда бўлишарди. Ўзимни ноқулай сеза бошладим. Таржимонимиздан одамларнинг менга бўлган муносабатлари сабабини сўрадим. «Сиз бу мамлакатдаги энг бой-бадавлат оила аъзоси қаторидаги аёллардан бирига ўхшайсиз. Сизнинг сийнангиз камдан-кам аёлда учрайдиган сийнадир. Бизда сийнаси катта аёллар — ҳақиқий она деб тан олинади ва унга бошқача ҳурмат билдирилади» деди. Уялиб кетдим. Саккизинчи ҳажмдаги сийнабанд тутсам, нима бўпти! Уни менга она табиат инъом этган-ку...»

### Қинғир иши учун

Вологда губернасининг Михайловск тумани қишлоқ хўжалик кооперативларидан бирининг бошлиғи электр энергиядан ҳар ойда фойдаланганлиги учун 300 киловатга ҳақ тўлаб турган.

Икки қаватли коттеж учун бу миқдордаги пул кўплик қилмасмикан, деган шубҳа билан маҳаллий электр назоратчилари келиб бу ердаги ҳисоблатгични пломбалаб кетишди. Бу тадбир ўз натижасини кўрсатди, бир ой ичида хонадоннинг электр энергияси 20 мартага кўпайганди. Маълум бўлишича, хонадон соҳиби кооператив ёритишдан ташқари уйини, молхона ва гаражларни иситиш учун ҳам фойдаланиб келган. Бу кооператив бошлиғининг қинғир иши. Электр энергиядан фойдаланишда юқоридаги кооператив ёлғиз эмас экан. Назоратчилар аниқлашича ҳар иккита корхонанинг биттаси қинғир йўлни қўллашаётганлиги аниқланди. Улардан катта миқдорда жарима ундириладиган бўлишди.

### Пуштсизликка қарши дори...

1946 йилнинг 22 апрелида Бразилиянинг Бикакей шаҳрида бир қориндан энг кўп эгизак — 10 нафар (2 ўғил ва 8 қиз) туғилгани ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Бу гап ҳақиқатнинг ўзгинаси. Худди шундай маълумотлар 1924 йили Испаниядан, 1936 йили эса Хитойдан ҳам олинган...

1971 йил 13 июнь куни Австралиядаги Қироллик шифохонасида Жоралдина Бродрик 9 нафар (5 ўғил ва 4 қиз) эгизак кўрди. Ўғилларининг иккитаси ўлик туғилди. Яна бир ўғил — Ричард бор-йўғи 6 кун яшаб вафот этди.

9 тадан эгизак, шунингдек, 1972 йилнинг 29 майида Филадельфия (АҚШ)да, 1977 йилнинг 11 майида эса Бангладешда ҳам дунёга келган. Аммо гўдакларнинг биронтаси ҳам яшаб кетмаган.

Римлик доктор Женнаро Монтанино 1971 йилнинг 22 июлида 35 ёшли уй бекасининг бачадонини операция қилаётиб 15 нафар (10 қиз ва 5 ўғил) эгизаклардан иборат ҳомилага дуч келган. Мазкур ақл бовар қилмас бу ҳодисага сабаб сифатида аёл ҳомиладорликдан бурун мунтазам равишда қабул қилган пуштсизликка қарши дори кўрсатилган.

### Ноёб хусусиятли мушукча

Кишиневлик фуқаро Ирина ва Сергей Понескуларнинг хонадонида яшовчи Пашка лақабли мушукнинг «ноёб хусусиятга» эга эканлиги маълум бўлди.

Кунларнинг бирида уй эгалари мушукча қўли билан қандайдир доиралар чизаётганлигини кўриб қолишди. Шундан кейин улар Пашканинг қобилиятини синаш мақсадида унинг олдига акварель қўйиб қўйишди. Бундан руҳланган Пашка акварельга қўлини ботириб оқ қоғозга ўзининг навбатдаги «ноёб» асарини чиза бошлади. Мушукчанинг бу чизган расми хонадон соҳибларининг эътироф қилишларича, ёғаётган ёмғирни эслатар эмиш.

### Ўлат қачон пайдо бўлган?

Араб саҳросида қазиш ишларини ўтказаётган олимлар қадимги одамлар устихонидан мўмиё топишди. Лаборатория таҳлилидан маълум бўлишича, одамлар ОИТС касали билан оғриб ўлган бўлиб чиқишди. Фаҳш ишлари кучайиб кетганда Аллоҳ, бу ерда яшовчиларга ўлат — ОИТС юборган эмиш.

---




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

***ТЕЛЕФОНЛАР:***
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
8332 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

**Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-112. Босмага топшириш вақти 12.00 Топширилди 13.00 123456